

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.11500835>

ТУРКИСТОН ЖАДИДЛАРИНИНГ ТЕАТР СОҲАДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИГА ДОИР

Ё.Р.Тайронов

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
yoqubjon_tayronov @bk.ru

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада XX аср бошларида Туркистондаги жадиждарнинг минтақанинг турли жойларида маданият соҳасида амалга оширган фаолиятлари таҳлил қилинади. Жадиждар ўлка тараққиёти, миллат равнақи ва ёшлар келажаси учун кенг ислоҳотлар ўтказиши тарафдори бўлдилар. Улар миллат дунёқарашининг янада кенгайтириши учун миллий драмалар ва уларни намойиш этадиган театрлар ташкил этиши ташаббуси билан чиқдилар.

***Калит сўзлар ва иборалар:** Маърифатпарварлик, маданият, миллий театрлар, драма, миллий матбуот.*

Туркистон жадиждари маҳаллий халқ вакиллариининг дунёқарашини ҳар томонлама ўстиришга, уларга имкон қадар замонавий билимлар беришга ҳаракат қилдилар. Улар ўзларининг матбуотдаги мақолалари ҳамда турли тадбирлардаги чиқишлари орқали уларни маърифатли бўлишга ундади.

XX аср бошларида Туркистон жадиждари халқнинг онгини ўстириш ва дунёқарашининг шакллантиришдаги асосий воситалардан бири миллий театрлар фаолиятини йўлга қўйишда деб билганлар. Шунинг учун ўзларининг газета ва журналлардаги мақолаларида бу борада кўплаб ижобий фикр-мулоҳалаларини билдириб, имкон қадар тезроқ миллий театрлар фаолиятини ташкил қилиш кераклигини таъкидлаган.

Дастлабки вақтларда кавказлик ва татар мусулмонлари ҳамда арман миллатига мансуб актиёр ва актирисалар минтақадаги театр томошаларини намойиш қилишиб, маҳаллий халқнинг бу борадаги қизиқишининг ортишига хизмат қилган. Масалан Самарқанд шаҳрида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ташаббуси билан ташкил қилинган биринчи спектаклда ҳам шундай ҳолат кузатилган. Бу ҳақда маърифатпарвар кўйидагиларни таъкидлаган: “9-мортда(1911-йил-Ё.Т.) Самарқандда биринчи мусулмонча театр ўйналди. Саҳнада кавказлик адиб ва мактаблар инспектори жаноби Султон

Маъжиднинг “Оқшом хабари”, “Хайр ўлур” ҳамда “Хур-хур” исминдаги асарлари қўюлди”¹. Мазкур томошада жами 750 сўм 65 тийин йиғилиб, шундан 400 сўм 40 тийин турли сарф-харажатлар учун, қолган 350 сўм 25 тийин соф фойда бўлиб, бу Самарқанд шаҳридаги кутубхоналар, мактаблар ва Ёттисув зилзиласидан зарар кўрганларга тенг тақсимлаб берилган. Маҳмудхўжа Бехбудий ушбу спектаклни ташкил этган Мирзо Назаркул Салимбой ўғлига, режисёр Али Асқар Асқаровга, ижрочилар Жаҳонгир Бурнашев, Улуғ Умиров, Мирзо Иброҳим ва Эралиддин Саидризоларга, шаҳар думаси вакили Муҳаммадбекка, таржимон Қўқонбой Абдурашидовга ва билет сотувчилар Абдуллоҳ ҳамда Муҳаммадқули Ризаевларга ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирган. Шунингдек, 1911 йил май ойида ҳам миллат болаларига замонавий таълим беришнинг кенгайтиришга маблағ йиғиш мақсадида худди шу каби бир маданий кеча ташкил этилишини маълум қилган.

Дастлабки пайтларда маҳаллий миллат вакиллари театрнинг мазмун ва моҳиятига яхши тушуниб етишмаганлиги сабабли маърифатпарварлар имкон қадар унинг ижобий жиҳатларини очиб беришга интиланган. Масалан, Ҳожи Муин бу ҳақда шундай дейди: “Театрнинг манфаати инсонга берадургон хислатини ҳар бир киши билмоғи керак. Бу тўғрида Оврона халқининг кўп тараққий топғони ва ҳам маҳоратлилиги маълумдур”². Шунингдек у миллий театрларда ўз менталитетимизни кўрсатадиган маҳаллий ижодкорлар қаламига мансуб бирорта ҳам асар йўқлиги, қардош татарларнинг бу борада илгарлаб кетгани, бизни туркистонликлар театр фазилатидан хабари йўқлиги, ҳатто баъзи одамлар илмсизлигидан унга нафрат билан қарашларини таъкидлаб, Маҳмудхўжа Бехбудий томонидан яратилган “Падаркуш” драмаси бу муаммога ечим бўлганини айтиб ўтган. Жумладан: “*фазилатли муфти Маҳмудхўжа афанди жаноблари Туркистон тилинда бир тиотр китоби ношир этмишлар. Ва бул китобда Туркистондаги баъзи бир расм ва бидъатларни танқид қилиб, жаҳолат инсонни бало ва ҳар на каби фалокатларга дучор ва гирифторм эажагини, шунинг учун ҳар бир мусулиония илм ва маорифни касбидин бошқа чора ўлмай зоят устадона бир маҳорат ила ўрганмоғи керакдур*” -деб қисқача “Падаркуш”га таъриф бериб ўтган.

Мунавварқори Абдурашидхонов ҳам ўз чиқишларида аҳолига театр ҳақида кенг тушунчалар бкришга ҳаракат қилган. Масалан, 1914 йил 28-февралда Тошкент шаҳрининг Колизей театрида илк бор Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” драмаси қўйилган ва мазкур томоша бошланмасдан олдин у нутқ сўзлаб, шундай деган: “*Сиз ҳурматлуларга тиотр хусусинда бир*

¹ Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқандда мусулмонча театр // Туркистон вилоятининг газети, 1911, №21.

² Ҳожи Муин. Театр китоби // Туркистон вилоятининг газети, 1912, №12.

неча сўз айтмакка жасорат қилиб қаршиларингизга чиқдим. Бу хусусинда маним ҳаракатларимни авф этмакларингизни риждо қилурман. Бизни Тошканд шаҳринда бир неча мартаба миллий театрлар ўйналгон бўлса ҳам холис Туркистон ўлкасида ҳануз бир тиотр ўйналмагонлиги барчамазга маълумдур”³. Мунавварқори бу ерда Тошкентда маҳаллий пьеса асосида илк спектакл қўйилаётганига урғу берган. Шунингдек, театрни баъзи кишилар ҳалигача яхши тушунмаётгани, унга масхарабозлик кўзлари билан қараётгани, театрни маъноси “ибратхона”, “улуғлар мактаби” эканлиги, театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинган бир уйга ўхшаши, унга ҳар ким кирса ўз юзини, айб ва нуқсонларини кўриб ибрат олиши мумкинлигини таъкидлаган.

Шунингдек, бу асар 1914 йил 14-августда яна бир бор Тошкентда “Мусулмон жамияти умидияси” ташкилотининг фойдаси учун шаҳар боғининг ёзги саройида қўйилган⁴. Мазкур томоша эрталаб соат 8 да бошланиб, 12 гача давом этган. Биринчи пардадан кейин Аҳмад Тўрахонов Абдулла Авлонийнинг “Ҳижрон” шеърини ўқиб бериб йиғилганларнинг олқишига сазовор бўлган. Бу томошада асардаги маст ролини ижро этаган актиёр тажрибасизлик қилиб, ўз ролини яхши ўйнай олмаган бўлса ҳам томошабинларнинг кайфияти тушмаган. Аксинча, танафуслар оралиғида чолғучилар миллий куй ва кўшиқлардан чалишиб, келганларни ҳушнуд этиб турган. “Падаркуш” драмаси тугагач, Абдусоми қори бошчилигидаги театр жамоаси Таваллонинг шеърларидан ўқиб берган.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида ҳар қандай оғир шароит ва сиёсий тўсиқларга қарамасдан жадидлар маҳаллий миллат вакилларининг ҳар жиҳатдан дунёқарашини шакллантиришга ҳаракат қилган ва қайсидир маънода бунга эришган ҳам, жадидлар имкони бўлса алоҳида бино ёки ҳовлиларида, бўлмаса масжид ва мадрасалар қошида янги усул мактабларининг очишга сидқидилдан хизмат қилган. Аҳолини маданий савиясини кўтариш учун эса ўлканинг бир қатор ҳудудларида театр кечаларини ташкил этган.

³ Мунавварқори. Тошкентда ўлка тилидаги биринчи спектакл // Туркистон вилоятининг газети, 1914, №18.

⁴ Мирмуҳсин. Тошкентда яна миллий театр // Туркистон вилоятининг газети, 1914, №21.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати:

1. Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқандда мусулмонча театр // Туркистон вилоятининг газети, 1911, №21.
2. Ҳожи Муин. Театр китоби // Туркистон вилоятининг газети, 1912, №12.
3. Мунавварқори. Тошкентда ўлка тилидаги биринчи спектакл // Туркистон вилоятининг газети, 1914, №18.
4. Мирмуҳсин. Тошкентда яна миллий театр // Туркистон вилоятининг газети, 1914, №21.
5. Ҳасанов, Р., & Тайронов, Ё. (2021). THE ROLE OF LOCAL ENTREPRENEURS IN THE COMPOSITION OF THE NATIONAL PRESS IN TURKESTAN AT THE BEGINNING OF THE XX CENTURY. Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka, 1(1).
6. ТАЙРОНОВ, Ё. (2021). “ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ” МАҲАЛЛИЙ БОЙЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ЁРИТИШДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА. In Uzbek Conference Publishing Hub (Vol. 1, No. 01, pp. 136-139).
7. Pasilov, B., & Ashirov, A. (2007). Revival of Sufi Traditions in Modern Central Asia: Jahri Zikr and its Ethnological Features. Oriente moderno, 87(1), 163-175.
8. ASHIROV, A., & PASILOV, B. (2010). Zikr Jahr in the Ritual Practice of Sufi Groups of Central Asia and Its Ethnographic Features. Ètnografičeskoe obozrenie, (5), 37-43.